
Электр таъминотидаги аварияли ҳолатларни олдини олиш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб борилади

Бугун, 19 октябр куни **соат 10:00 дан 17:00 га қадар** 10/35/10 кВ Яйпан подстанциясидан чиқувчи 10 кВли "Улуғбек" электр узатиш тармоғида аварияли ҳолатларни олдини олиш мақсадида жорий тамирлаш ишлари бажарилади.

Шу сабабли "Оқтепа", "Туркистон", "А.Жомий", "Бозор Яйпан", "Эски Яйпан" ва "Яйпан Гузар" маҳаллаларида юқорида белгиланган вақтларда электр таъминотида узилишлар кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

Мурожаат учун телефон:

☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2024-10-19 09:39:56